



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ  
2000 йил 27 октябр, жума №158 (990)

БЕШАҒБА, ЧОРШАҒБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## XXI АСРГА 65 КҮН ҚОЛДИ

Азиз асримизнинг азиз оилари,  
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.  
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла,  
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

Ғафур Ғулום.

### Долзарб мавзу

## ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК ШАРОФАТИ

**Жиззах вилояти меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий химоя қилиш бошқармаси билан қасаба уюшмалари вилоят Кенгаши ўртасида «2000-2005 йилларда янги иш ўринлари яратиш тўғрисида»ги истиқбол дастури тузилган бўлиб, унга асосан қатор тadbирлар амалга оширилмоқда.**

Вилоятда 974 минг нафар аҳоли истикомад қилади. Шундан 450 минг нафар киши меҳнатга лаёқатлидир.

Ҳозирда 9131 та корхона, ташкилот, муассаса ва идораларда жами 292 минг киши доимий иш билан банд. Бундан кўриниб турибдики, ҳали вилоятда янги иш ўринлари яратиш борасида талай вазифаларни амалга ошириш зарур бўлади.

### Ишсизлик муаммоси Жиззахда қандай ҳал этилмоқда?

Айтиш мумкинки, дастлабки тўққиз ойда бу борада муайян ишлар қилинди. Шаҳар ва туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда янги иш жойлари ташкил этилмоқда. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 9189 та янги иш жойлари яратилди. Шундан давлат тасарруфида бўлган янги иш жойларлари 233 тани, муқобил равишда барпо этилганлари 8817 тани ташкил этди.

Шаҳар жойларда янгидан очилган иш ўринлари 2473 та бўлса, қишлоқ жойларда бу кўрсаткич 6716 тага етди. Айниқса, Галлаорол, Бахмал туманлари, Жиззах шаҳрида муҳим ишда сезиларли натижага эришилди. Мазкур шаҳар ва туманлар ҳокимларининг бевосита саъй-ҳаракатлари тўғрисида муваффақият таъминланди. Лекин Фориш, Арнасой туманларида масалага панжа орасидан қаралаётгани кишини ажаблантиради. Масалан, Фориш туманида ўтган тўққиз ойда атиги 137 та, Арнасойда эса 300 та янги иш ўрни яратилган, холос.

Кичик ва ўрта тadbиркорлик субъектларининг бу борадаги фаолияти тахсинга лойиқдир. Бунда уларга банклардан берилётган микрокредитлар жуда қўл келаяпти. Маълумотларга кўра, тўққиз ойда вилоятда тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида банкларнинг ўз маблағлари ва нобюджет фондлари ҳисобидан 2013,9 миллион сўмлик кредит берилган. Бу кўрсаткич банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1872,5 миллион, «Бизнес-фонд»дан олиб борилаяпти. Бахмал туманидаги 1027 та, Жиззах туманидаги 740 та янги иш ўринларининг барпо этилиши ёшлар учун айни муддао бўлди.

Ўтган тўққиз ойда вилоят меҳнат бошқармасига ишга жойлаштириш учун 13316 киши мурожаат қилган бўлса, улардан 9615 нафарининг илтимоси қондирилди. Шундан 4556 нафарини ёшлар ташкил қилади. Ишсизлик муаммоси олганлар 2508 киши бўлиб, улардан 675 нафарига нафақа тайинланган. Қасаба ўқитиш ва қайта ўқитишга жалб қилинганлар сони 809 кишидан иборат. 58 нафар кишига муддатидан икки йил илгари нафақага чиқишга йўлланма берилди.

Ижтимоий шерикчиликдан асосий мақсад — вилоят аҳолисининг ишга яроқли қисмини доимий иш ўрни билан таъминлаб, уларни ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан химоялашдан иборатдир.

Турсунбой НИЁЗОВ, Жиззах вилояти қасаба уюшмалари Кенгаши меҳнатқашлар ижтимоий манфаатини химоя қилиш бўлими мудири.


дан «Саодат», Арнасой туманидан «Жўрабек», «Булоқбоши», «Миришкор», Жиззах туманидан «Хурсанд бува», Мирзачўл туманидан «Гавхар», «Шаҳзод-2», «Мерек», «Бектемир» хусусий фермер хўжаликлари янги иш ўринларига эга бўлдилар.

Айниқса, қишлоқ жойларда қайта ишлаш корхоналари қуришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг учун фермерлик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш миникорхоналарини ишга тушириш белгиланган қатъий режа асосида олиб борилаяпти. Бахмал туманидаги 1027 та, Жиззах туманидаги 740 та янги иш ўринларининг барпо этилиши ёшлар учун айни муддао бўлди.

Ўтган тўққиз ойда вилоят меҳнат бошқармасига ишга жойлаштириш учун 13316 киши мурожаат қилган бўлса, улардан 9615 нафарининг илтимоси қондирилди. Шундан 4556 нафарини ёшлар ташкил қилади. Ишсизлик муаммоси олганлар 2508 киши бўлиб, улардан 675 нафарига нафақа тайинланган. Қасаба ўқитиш ва қайта ўқитишга жалб қилинганлар сони 809 кишидан иборат. 58 нафар кишига муддатидан икки йил илгари нафақага чиқишга йўлланма берилди.

Ижтимоий шерикчиликдан асосий мақсад — вилоят аҳолисининг ишга яроқли қисмини доимий иш ўрни билан таъминлаб, уларни ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан химоялашдан иборатдир.

Турсунбой НИЁЗОВ, Жиззах вилояти қасаба уюшмалари Кенгаши меҳнатқашлар ижтимоий манфаатини химоя қилиш бўлими мудири.



## ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

«Кўқондонмахсулот» ҳиссадорлик жамияти Данғара, Бешарик, Фуркат ва Ўзбекистон туманларида етиштирилган галлани қабул қилиб олади. Жамият жорий йилнинг 9 ойи мобайнида катта микдорда маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу ўтган йилнинг шу даврига таққослаганда 125 фоизни ташкил этади. Айни кунларда корхона омборида 50 минг тонна галла сақланмоқда.

Жамоада тайёр маҳсулотлар турини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Масалан, нон ва қандолат цехларида 35 хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бошқача айтганда 9 ой давомида 198 тонна нон, 921 тонна макарон, 13 тонна қандолат маҳсулотлари эл дастурхонига тўхфа этилди. «Кўқондонмахсулот» ҳиссадорлик жамиятида олиб борилётган ишлар жа-

моанинг иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлишида асосий омилдир.

Суратларда: 1. Марказий тегирмон пулти бошқарувида.

2. Корхонанинг ишчилар ошхонаси ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

«Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон-2000» деб номланган Олтинчи халқаро кўргазма иш бошлади. Унда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келтирилган халқ истеъмоли, озик-овқат маҳсулотлари, озик-овқат саноати ва қишлоқ хўжалик ускуналари намойиш этилмоқда.

### «ЎЗБЕКИСТОН-2000» ИШ БОШЛАДИ

— Мазкур кўргазмада жаҳоннинг турли мамлакатлари, жумладан, АҚШ, Германия, Австрия, Италия, Қозғоғистон, шунингдек, бошқа 15 та давлатда ишлаб чиқарилаётган озик-овқат ҳамда саноат маҳсулотлари намойиш иштирок этилаёттир. Деда республика Ташкил иқтисодий алоқалар вазирининг ўринбосари Ҳасан Исломхўжаев кўргазмани кириш сузи билан очар экан, - бу нарса нафақат халқлар орасидаги иқтисодий яқинлашув, балки дўстлик ва маданий алоқаларни ҳам ривожлантиришга катта туртки бўлади.

Кўргазмага АҚШнинг Produktions Inc. компанияси раҳнамолик қилаёттир. «Туркистон-пресс».

## «БҮЮК ИПАК ЙЎЛИ ДИПЛОМАТИЯСИ» ДАВОМ ЭТМОҚДА

Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон кўмиталарининг олтинчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Бosh вазирини ў.Султонов очди. У ўтган даврда мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий муносабатларда кўлга киритилган ютуқларни ўзбекистон билан Япония бундан кейин ҳам самарали ҳамкорлик қилиши мумкинлигини кўрсатганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Япония ўртасида иқтисодий ҳамкорлик кўлими йилдан-йилга кенгайиб бораёттир. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича кўмиталарнинг 1999 йилнинг мартида Токиода бўлиб ўтган мажлисидан кейин ўтган даврда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотик ҳамми икки баробар ортди. Ҳозиргача Япониянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармояси микдори бир миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Япониянинг йирик фирма ва компаниялари мамлакатимизнинг стратегик муҳим корхоналарини барпо қилишда фаол иштирок этмоқда. Бухоро ва Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводлари, Токент, Бухоро ва Урганчдаги аэропортларни замон талабига мос равишда таъмирлаш, Шўртан полиэтилен заводини барпо қилиш, транспорт соҳасини такомиллаштириш, «Чиноз тўқимачи», «Шаҳрисабз тўқимачи», Намангандаги «Ипак йўли» енгил саноат корхоналарини қуришда Кунчиқар мамлакатининг компаниялари ва молиявий муассасаларининг ҳиссаси катта. Бундай йи-

товарлар ҳажмини кўпайтириш, икки мамлакатнинг йирик саноат корхоналари ўртасидаги шериклик алоқаларини мустаҳкамлашга имкон яратётганини таъкидланди. Шу билан бирга, фақат ҳукуматлараро амалий мулоқот билан чеклиниб қолмай, тўғридан-тўғри сармоя жалб қилиш, хўжалик субъектларининг бевосита алоқаларини ривожлантириш зарур эканлиги айтиб ўтилди ва илмий-техникавий, ёқилғи-энергетика мажмуи, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, транспорт, кадрлар тайёрлаш, тўқимачилик ва кимё саноати, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳамда фойдали табиий қазилмаларни қайта ишлаш соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш икки томон учун ҳам манфаатли бўлиши таъкидланди. Томонлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспортини кенгайтириш мақсадида қўшма савдо уйлари ташкил этишга келишиб олди.

Мажлисда Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасини ривожлантириш, шу мақсадда юқори самара берадиган сайёҳлик инфратузилмаларини барпо қилишда ҳамкорлик борасида ҳам фикрлашди олинди. Иштирокчилар икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришда ҳукуматлараро ҳамда ишбилармон доиралар даражасидаги алоқаларни қуқурлаштиришда мазкур кўмиталарнинг тутаётган ўрни муҳим аҳамият касб этаётганини қайд этди.

Саидмурод РАҲИМОВ, ЎзА мухбири.

Гулистон шаҳрида минглаб одамлар шаҳар бандлик биржаси ёрдамида янги касб эгалари бўлиб ёки ишга жойлашди. Иш топишда ёрдам сўраб мурожаат қилган ҳар бир одам биржада ҳисобга олинди, эртани кечми, иш билан таъминланмоқда.

### ЯНГИ КАСБ ЭГАЛАРИ

— Тўққиз ой якунига кўра, Гулистон шаҳар меҳнат бўлими республикада энг яхши кўрсаткичларга эга, - дейди биржа бошлиғи Абдувахоб Бекмуродов. - Кўзда тутилган 707 нафар ўрнига 1141 нафар одамни ишга жойлаштирдик. 179 нафар одам янги иқтисодий субъектга ўқитилди. 233 нафар кишини жамоат ишларига йўллади. Уларга иш ҳақининг ярминини биржанинг ўзи тўламоқда.

Яқин вақтдан буён биржа тadbиркорларга имтиёзли микро ва оддий кредитларни ажратишни амалда синиб кўрмоқда. Уларни олишининг асосий шартини қарз олувчи янги иш ўринларини ташкил этиши ва уларга ўз вақтида иш ҳақи тўлаши зарур. Жорий йилда Гулистонлик тadbиркор ва фермерлар 24 миллион сўмга яқин кредит олди.

Кредитларимиз тўғрисида шундай қилишди. Биздан қарз олувчилар орасида шаҳарда таниқли бўлган «Устоз-Шоғирда» аъёниси асосида фаолият юритаётган «Моҳира» жамоат ўқув маркази, «Хосиятбон» фермер хўжалиги ва бошқалар бор.

(ЎзА).

### «Ишонч» бонг уради

## ВАЪДАЛАР БИСЁРУ СУВДАН ДАРАК ЙЎҚ

Сувга зор бўлиб яшайдан азоби йўқ. Бирок, Самарқанд шаҳри Саттепа мавзесидagi 69-а уйининг юқори қаватларида истикомат қилувчилар бу қийинчиликка икки йилдан буён чидаб келишапти. Улар не-не умидлар билан вилоят «Сувоқава» бошқармаси, шаҳар водоканали ҳамда ҳокимликка мактублар йўллаб, муаммони ҳал қилишда амалий ёрдам сўрашди. Таажжубки, мутасадди раҳбарлар аҳоли ҳақли талабига шу пайтгача беписанд қараб келмоқда.

Аслида одамлар мушкулни осон қилиш учун кўп нарса керакмас. Хатда таъкидлашнича, 69-а уйга ичимлик суви учун тортилган қувур ёрилиб, оби ҳаёт ертўла ва кўча-кўйга оқиб исроф бўлмоқда. Натижада босим йўқолиб, юқори қаватларга сув чиқмаяпти. Бу ҳақда 1998 йилнинг 5 сентябрида тузилган далолатнома ҳам мавжуд. Шунча вақт ичда мурожаат қила-қила сарсон бўлган кишилар мушуқлини осон қилол-

маган мутасадди раҳбару мутахассисларга нима дейишга ҳам ҳайронимиз. Ёз мавсуми бошлангани билан «Сувоқава» раҳбарлари газеталарда жар соладилар: «Ичимлик сувини тежанг, у бебаҳо бойлигимиз!» Аммо, юқорида таъкидланган қўлқаватли уйнинг ёнида икки йилдан буён беҳудага оқиб, исроф бўлаётган сув эса уларни негадир ташвишлантирмайди.

Тоқати тоқ бўлган аризачилар сўнги илнжда истеъмолчилар ҳуқуқлари-

ни химоя қилиш жамиятига мурожаат қилишди. Шикоят юзасидан тегишли бошқарма бошлиқлари билан учрашдик. Ушанда Аъзам Вафоев: икки ҳафтада ишлар жойида бўлади, кўнглингиз хотиржам бўлсин, дея бизни тинчлантириганди. Ҳафталар кетидан ҳафталар ўтдики, ҳамон сувдан дарак йўқ.

Халқ ичида юрган кишиларнинг, тушунамиз. Йилнинг тўрт фаслида ҳам «Сувоқава»нинг юмушлари кўп. Баъзида у ёки бу нарса етишмай қолади. Лекин шундай бўлса-да, ҳайратдан ёқа ўшлаймиз. Қаранг, тегишли бошқарма раҳбарлари шикоят хатига 35 метр қувур керак, деб ёзишди. Ахир, икки йил мобайнида уни топиш шунчалар қийин бўлдимми? Майли, қайд этилган икки нуфузли ташкилот раҳбарлари масъулиятсизлик

қилишибди. Унда Самарқанд шаҳар ҳокими номига ёзилган аризаларнинг тақдирини нима бўлди? Маълум бўлишича, Боғишамол туман ҳокимлиги анча вақтдан буён томошанин бўлиб келаётган экан.

Мустақил Ўзбекистонимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун билан мустаҳкамланган. Мутасаддилар бунга яхши билишса-да, одамларимизнинг андишаллигини суимствемол қилиб, ваъдалар нарига ўтишмаяпти. Ёки, қорни тўқнинг қорни оч билан нима иши бор, дегани шумикин!

Р.ХОЛБЕКОВ, Самарқанд вилоят истеъмолчилар ҳуқуқини химоя қилиш жамияти расиси.

### ОЛИЙ СИФАТЛИ ОШ ТУЗИ

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ҳамда «Ўзбекистон маҳсулот» акционерлик компанияси ҳамкорликда

Хўжайкон туз қонидан Испания технологияси асосида олий нав йодланган ош тузи олинган завод қурилишининг техник-иқтисодий асослари ва лойиҳасини ишлаб чиқди.

### Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин! ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯ ЯНГИ БИНОГА КЎЧАДИ

Бир неча йил илгари Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг янги биноси пойдеворида гишт қўйилганди. Қадди тикланган бино қурилиши мабдад етишмаганлиги учун чала қолиб кетди. Яқинда телерадиокомпания биноси қурилишини давом эттириш мақсадида хайри ишга кўл урилди. Вилоят ҳокимининг «Вилоят телерадиокомпаниясини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қароридан сўнг, телерадиокомпаниянинг янги биноси қурилишини жадаллаштириш борасида ибратли ишлар

бошлаб юборилди. Ташаббусни ўз кўлларида олган вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси жамоаси пахта йиғим-теримида иштирок этиб, теримдан тушган маблағни телерадиокомпанияни ривожлантириш жамғармасига ўтказишга қарор қилдилар.

— Жамоамиздаги 950 нафар ишчи-хизматчилар ҳашарга чиқиб, тўпланган 2 миллион сўмини мазкур жамғарма ҳисобига ўтказдилар, - дейди бошқарма қасаба уюшмалари кўмитаси расиси Ёқуб Муродов.

С.ШАВКАТОВ.



30 октябр — 5 ноябр

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 30 «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлилнома»...

ЎЗБЕКИСТОН

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр тонги»...

ЎЗБЕКИСТОН

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр тонги»...

ЎЗБЕКИСТОН

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 20.00, 22.40, 23.55 «Пойтахт»...

ЎЗБЕКИСТОН

18.00 «Вести». 18.30 Мультчархпалак. 18.45 «Бугун оламда»...

СЕШАНБА, 31 «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

8.35 Марказий газеталар шарҳи. 8.50 «Ўзбектеlevision»...

ЎЗБЕКИСТОН

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»...

ЎЗБЕКИСТОН

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»...

ЎЗБЕКИСТОН

7.30 «Пойтахт» Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс»...

ЎЗБЕКИСТОН

7.30 «Пойтахт» Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс»...

ЎЗБЕКИСТОН

16.55 «Бобил минораси». 18.00 «Вести»...

ЧОРШАНБА, 1 «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

10.20 Болалар учун. «Нурли келажак». 12.05 «Башбармак»...

ЎЗБЕКИСТОН

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»...

ЎЗБЕКИСТОН

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»...

ЎЗБЕКИСТОН

7.30 «Пойтахт» Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс»...

ЎЗБЕКИСТОН

7.30 «Пойтахт» Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс»...

ЎЗБЕКИСТОН

16.55 «Бобил минораси». 18.00 «Вести»...

ПАЙШАНБА, 2 «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

10.20 Болалар учун. «Нурли келажак». 12.05 «Башбармак»...

ЎЗБЕКИСТОН

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»...

ЎЗБЕКИСТОН

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»...

ЎЗБЕКИСТОН

7.30 «Пойтахт» Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс»...

ЎЗБЕКИСТОН

7.30 «Пойтахт» Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс»...

ЎЗБЕКИСТОН

16.55 «Бобил минораси». 18.00 «Вести»...

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

ЖУМА, 3 «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

ЎЗБЕКИСТОН

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»...

ЎЗБЕКИСТОН

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»...

ЎЗБЕКИСТОН

7.30 «Пойтахт» Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс»...

ЎЗБЕКИСТОН

7.30 «Пойтахт» Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс»...

ЎЗБЕКИСТОН

16.55 «Бобил минораси». 18.00 «Вести»...

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

ЖУМА, 3 «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

ЎЗБЕКИСТОН

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»...

ЎЗБЕКИСТОН

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»...

ЎЗБЕКИСТОН

7.30 «Пойтахт» Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс»...

ЎЗБЕКИСТОН

7.30 «Пойтахт» Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс»...

ЎЗБЕКИСТОН

16.55 «Бобил минораси». 18.00 «Вести»...

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

ЖУМА, 3 «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

ЎЗБЕКИСТОН

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»...

ЎЗБЕКИСТОН

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»...

ЎЗБЕКИСТОН

7.30 «Пойтахт» Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс»...

ЎЗБЕКИСТОН

7.30 «Пойтахт» Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс»...

ЎЗБЕКИСТОН

16.55 «Бобил минораси». 18.00 «Вести»...

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...



Тунги ёғду. Дам олиш дастури.

22.25 «Икки қарра икки беш эмас» Бадий фильм. 1-қисм.

23.40 «Ахборот». Бадий фильм. 2-қисм.

1.30-1.35 Ватан тимсоллари.

7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги»...

9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш утирма»...

10.05 «Икки қарра икки беш эмас» Бадий фильм. 2-қисм.

1.30-1.35 Ватан тимсоллари.

17.00 Кўрсатувлар дастури. 17.15 «Янги авлод» студияси: «Бўш утирма»...

17.50 «Муслик лаҳзалар». 18.25 «Кинотакдим»...

18.45 «Муслик лаҳзалар». 18.55 «Икким»...

19.30 «ТВ-анонс». 19.35 «Бизнеспрем»...

19.50 «Муслик лаҳзалар». 20.00 «Давр»...

20.10 «Муслик лаҳзалар». 20.15 «Икки зшик ораси»...

20.45 «Эттинчи фалақдан келган овоз»...

21.00 «Хайрат». 21.05 «Кутилмаган меҳмон»...

21.30 «Футбол пюс». 21.50 «Муслик лаҳзалар»...

22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 «Каталог»...

22.40 «Кўнгилик кўнгилик пайванд». 23.10 «Шанба оқами»...

23.15 «Муслик лаҳзалар». 23.40 «Кўнгилик кўнгилик»...

0.40-0.45 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 3 «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

ЎЗБЕКИСТОН

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»...

ЎЗБЕКИСТОН

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»...

ЎЗБЕКИСТОН

7.30 «Пойтахт» Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс»...

ЎЗБЕКИСТОН

7.30 «Пойтахт» Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс»...

ЎЗБЕКИСТОН

16.55 «Бобил минораси». 18.00 «Вести»...

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

ЖУМА, 3 «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

ЎЗБЕКИСТОН

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»...

ЎЗБЕКИСТОН

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»...

ЎЗБЕКИСТОН

7.30 «Пойтахт» Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс»...

ЎЗБЕКИСТОН

7.30 «Пойтахт» Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс»...

ЎЗБЕКИСТОН

16.55 «Бобил минораси». 18.00 «Вести»...

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

ЯКШАНБА, 5 «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

ЎЗБЕКИСТОН

8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастури.

ЎЗБЕКИСТОН

8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастури.

ЎЗБЕКИСТОН

7.30 «Пойтахт» Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс»...

ЎЗБЕКИСТОН

7.30 «Пойтахт» Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс»...

ЎЗБЕКИСТОН

16.55 «Бобил минораси». 18.00 «Вести»...

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

# ЭЛ НЕТИБ ТОПГАЙ МЕНИКИМ...

**Эй кўнгул, бир навъ ўлубен ахли даврондин малул, Ким эрурмен кимки ондин яхши йўқ, ондин малул.**

**Ҳажр агар будур, нетай мен жонни, жон нетсун мени, Ким эрур ҳар лаҳза мендин жону мен жондин малул.**

**Тенгри халқ этмиш мени гўё маломат чеккали, Ким даме йўқким, эмасмен халқни нодондин малул.**

**Неча диним узра титрай дилраболар кўйида, Эй мусулмонлар, бўлибмен кофирстондин малул.**

**Истасанг мақсад, қадам кўй, таън тошидин небок, Казба топти бўлмагон хори муғилондин малул.**

**Эй кўнгул, фикрингни қилким, дўсту душманлар юзин, Кўрмас эрди, бўлмас сен зори хайрондин малул.**

**Эй муғаний, тут «Ироқ» оҳангио кўргуз «Хижоз», Ким Навоий хотири бўлиши «Хуросон»дин малул.**

Машхур мутасаввиф шоир Юнус Эмронинг шеърларига шарҳлар битган алломалардан бири шундай дейди: «Бу фақиру ҳажир, дўстлар илтимосига кўра Юнус Эмро ҳазратларининг тўққиз шеърларини шарҳу баён этишга киришиб саккиз ой мобайнида қроғза кўмилиб паршонин яшадим. Лекин «Қилинган иш дўстлар талабига мувофиқ бўлдимми ёки йўқми?» - деган бир иштибоҳ бор эди менда. Бир кеча Юнус Эмро ҳазратларини тўш кўрдим. Бу фақирга илтифот кўрсатиб дедилар: «Менинг ул сўзларимга ёзган шарҳ ва айтган маъни латифини фуқаро ва толиблардан дариг тутмағилки, бир манфаат кўрсинлар».

Албатта, заҳмат чекиб, узок излашни ва билим билан ёзилган шарҳ ёки талқин бегойда бўлмайди. Лекин мумтоз шеърятимиз намуналарини, хусусан, ирфоний моҳиятдаги шеърларни шарҳлаш барибир жуда қийин. Чунки уларда фикр ва оҳанг ҳам, тинчлик ва тасвир ҳам руҳ, ҳол ва кайфиятга бўйсундирилгандир.

Шорих ёки талқинчи шеър мазмунини энг аввало ҳол ва кайфият тили билан ўқиб, руҳан мушоҳада эти олмас, ўқувчини ишонтириб ҳам, эргаштириб ҳам билмайди. Эҳтимол, эргаштириш кўраги йўқдир. Аммо қизиқш зарур. Ана шу қизиқшдан шеърга янги-янги фикр ва оҳанг ҳам, тинчлик ва тасвир ҳам руҳ, ҳол ва кайфиятга бўйсундирилгандир.

Ҳаққонда бир талаба менга «Домла, ўтмиш шоирларимиз йиғи ҳақида нега бунча кўп ёзилган? Қайси шоирнинг шеърини ўқиманг, албатта, у ё «Йиғладим» ё «Йиғларман» дейди. Йиғида ҳам бир мейваси бўлиши керакми, йўқми?», деб савол берди. Бу — қулги ва шодликка ўқилган эмас, моҳиятини англаш истагидан тузилган савол бўлганлиги учун мен масалани тарихан, яъни дин ва тасаввуф билан боғлиқликда изоҳлашга ҳаракат қилдим.

Қулгидан-қулгининг, шодликдан-шодликнинг фарқи бўлганидек, аламдан-аламни, йиғидан-йиғининг ҳам фарқи бор. Биз, албатта, буни фарқлашимиз ва фарқларини пухта англашимиз лозим. Бурсали Иброҳим Ҳаққий ёзади: «Кўз ёшининг мақбул ва манзури ишқ туфайли сел бўлиб оққанидир. Дунёвий ва нафсоний ниётлар учун тўқилган кўз ёшининг Оллоҳ олдига ҳеч қандай қиймати йўқдир... Авом ила хавоснинг йиғиси орасида кўп фарқ бордир. Зеро, ҳар кимнинг йиғлаши илм ва тушунишга кўра... Хуллас, йиғлашни айблаб ва йиғлагани рад қилган жаҳоллатга таслим бўлиб, хавоснинг ҳолини авомга ўхшатган бўлур». Дарвоқе, мумтоз шеърятимиз марказида турган инсон, у ошиқ ёки ориф бўладими, дарвеш ёки ринд бўладими, бундан қатъи назар, ҳеч қачон моддий ва нафсоний истак, оруз-умид ва ғаразлар учун маъзулланмаган, гусса чекмаган, кўз ёш тўкишни тасаввур ҳам қилмаган ҳос

кишлар вақилдир. Биз истаимизми, истамаймизми, Навоий шеърятини ўқиганда масаланинг худди шу жиҳати алоҳида эътибор қаратишимиз, улуг шоир тасвирларидаги ниҳоятда олий ва самовий ҳолат ёки туйғуларни ерга қориштиришдан сақланмоғимиз зарур. Бу дунёда кимда малул бўлмайди дейсиз? Ким қайгу тортмайди. Ким ғамгин ва хафа бўлмайди? Бироқ Навоийдаги мана бу малуллик тамоман ўзгариш, шоир уни дард, ҳасрат ва сир ўлароқ кўнгила изҳор айлаган:

**Эй кўнгул, бир навъ ўлубен ахли даврондин малул, Ким эрурмен кимки ондин яхши йўқ, ондин малул.**

Бу байтда малул — қайгу ва ҳасрат

## «ТЕНГРИ ХАЛҚ ЭТМИШ МЕНИ ГЎЁ...» (Бир ғазал талқини)



Алишер Навоийни англаш, ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилишдир.

ратда ёнишининг сабаби, унинг сифат ва даражаси («бир навъ») ва чегараси (яхшиларнинг энг яхшисидан ҳам малол этиш) аниқ ифодаланган. Аммо ўша «бир навъ»нинг мазмун-моҳияти нимадан иборат, у қандай изтироб ва кайноқларга ишорат қилади? Буни тўғридан-тўғри тавсифлаш қийин. Зеро, у ахли даврон фелъ-атвори ва ахли давронга ҳолис муносабатдан қайноқланган надомат эрур. Донишмандлар демишларки, дунё дунё бўлганлиги учун эмас, мол-мулк, лазазат ва шодликлари билан одамларни ўзига тобе қилиш учун яралгандир. Шу боис ишққа, завқ ва маърифатга доир бўлмаган сўзларни тасаввуф ахли «дунё калони», деб билганлар ва бундай сўзларни гапирмаслик, имкон қадар тингламасликка ҳаракат қилганлар. Шу маънода улуг шоир, мутасаввиф ёки алломаларнинг дилга ранж этказишда ахли дунё билан ахли даврон дерили тенгдир.

Маълумки, жоннинг асли нурдир. Жон азалдан бери мавжуд эрур. Ҳақ қудрати бўлиши ушбу қудсий қудрат Оллоҳнинг амри билан вужудга кирган. Лекин жон танда боқий қолмайди. У маълум бир муддатга саёҳатдан сўнг асл манзилига қайтади. Энг буюк ҳижрон ана шу ораликдаги айрилиқдир. Ҳақиқий ошиқлар ишқни — жон, жонни — ишқ деб билганликларни боис ўлимини фақат вужудга алоқадор ҳисоблаганлар. Бу ҳақда Юнус Эмро:

**Тан фонийдир жон ўлмас, чут кетса ортга қайтмас, Ўлса агар тан ўлур, жонлар ўлгувчи эмас,**

дейди. Навоий «ҳажр агар будур» дея жон ва «мен», «мен» ва жон орасидаги озурдалик «можаро»сидан хабар берганда, ҳажр калимасининг диний-тасаввуфий мазмунига уруғ берган:

**Ҳажр агар будур, нетай жонни, жон нетсун мени, Ким эрур ҳар лаҳза мендин жону мен жондин малул.**

Бугунги ўқувчида «Жон билан талашиб, жондан безиб шундай ахволда яшашнинг нимаси ибратли?» - деган савол туғилиши мумкин. Агар ошиқ халқи жонини Азроилга эмас, Оллоҳга таслим этур, худди кўнгул сингари жон ҳам маъшук хайронидур, ҳақиқий ишқ — бу жон завқи ва фидойилиги, деган қараш ҳисобга олинса, шоир кўда тутган ички мақсад ўз-ўзидан бир

қадар равшанлашади. Кейинги байтдаги «халқи нодон» биринчи мисрадаги «ахли даврон»га гўё изоҳдир:

**Тенгри халқ этмиш мени гўё маломат чеккали,**

**Ким даме йўқким, эмасмен халқни нодондин малул.**

Инсондаги ҳар қандай норозилик ва саркашликнинг ҳам интихоси бор. Шундай интих «даргоҳ»ларидан бири сабр бўлса, иккинчиси кўниқш. Кўниқшнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари ва ёмон жиҳатлари бўлса-да, кишини алданиш, суботсизлик ва ялтоқланишдан муҳофаза этади. Инсон ўз аҳволига, зоҳирдан етадиган бало ва офатларга сокин нигоҳ ила боқадиган бўлади. Ҳеч шубҳа йўқки, Навоий «Тенгри мени маломат чекмоқ учун одам қилиб яратди», - деган қарорга келгунча авомлик билан ҳам, нодонлик билан ҳам, жаҳолат ва золимлик билан ҳам кўп юзма-юз келган. Ва бирор бир дам осудалик топмаган, ғайриихтиёрий равишда «Тенгри халқ этмиш мени...», деган хулосага тўхталган.

Дунё бир синов майдони. Бунда ҳамма нарса синалади ва синовдан ўтказилади. Жумладан, ишқ ва эътиқод ҳам. Маълумки, мутасаввифлар сеvgини расмий ва умумий диндан фарқланувчи бир дин — динуль ҳубб деб билганлар. Юнус Эмро:

**Ғайридан бу миллатдан бу бизнинг миллатимиз,**

**Ҳеч динда топилмади дину динъатимиз,**

-деганда мазкур тушулмага асосланган. Алишер Навоий ҳам бир қанча шеърларида дин сўзини шу маънода татбиқ қилган. Ошиқнинг «дилраболар кўйида» дин узра титраши, аслида ишқ узра титрашни ифодалайди. Мусулмонларга мурожаат эса динуль ҳубб — сеvgи динининг сир-асрорлари билан ҳисоблашмайдиган зоҳирбинларга қаратилган:

**Неча диним узра титрай дилраболар кўйида, Эй мусулмонлар, бўлибмен кофирстондин малул.**

Бу фикр навбатдаги байтда янада чуқурлаштирилган. Чунонки: Кўзланган олий мақсадга етмоқ истасанг, таъна тошларига аҳамият берма. «Хори муғилон»дан малул бўлмаган Казбани топмоққа ҳам қодирдир, дейилади унда:

**Истасанг мақсад, қадам кўй, таън тошидин небок, Казба топти бўлмагон хори муғилондин малул.**

«Муғилон» — муғлар маскани. Муғ — оташпараст демак. Тасаввуфда содқ мурид, ошиқ мазмунини акс эттиради. Демак, илоҳий ишқ йўлида дину мазҳаб деган гап — нисбий гап, демокри деган:

Нақл қилинишича, Оллоҳ таоло ақлни яратган ундан «Мен кимман?» - деб сўрабди. Ақл жон қотганча, ҳеч нарса дея олмабди. Сўнгра Тенгри ақлнинг кўзини ваҳдоният нури билан ёритибди. Ақл кўзини очибди ва «Сен Оллоҳсан, Сендан ўзга илоҳ йўқ», дебди.

Хуллас, ақлга Оллоҳни Оллоҳ ила танишдан ўзга йўл бўлмаган экан. Кўнгул эса ишқ ила Ҳақ висолига етишур. Шу учун илоҳий ишқда ҳам, мажозий ишқда ҳам кўнгулнинг имкони ва мавқои юқоридир. Навоийнинг яна бир қарра кўнгулга мурожаат этиб:

**Эй кўнгул, фикрингни қилким, дўсту душманлар юзин, Кўрмас эрди, бўлмас сен зори хайрондин малул,**

дейиши ҳам беҳиж эмас. Навоийнинг илоҳий ишқ ҳақида битилган байтларига хос бир фазилат бор: уларни ўқиркансиз, ҳеч қачон ҳақни халқдан, халқни ҳақдан айру тасаввур эта олмайсиз. Инсон ва муҳит, инсон қамоли ва абадий сирлари ҳақида янги-янги мушоҳадаларга имкон топасиз. Ғазал мактабига ҳам шоир гўё «Ироқ» ва «Хижоз» қуйларини тинглаб, кўнгилга тасалли топиш истагини билдирса-да, охири мисрада ўқиб унинг Хуросон муҳитига муносабатини осон англаб оласиз:

**Эй муғаний, тут «Ироқ» оҳангио кўргуз «Хижоз», Ким Навоий хотири бўлиши «Хуросон»дин малул.**

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ, филология фанлари доктори.



Соғлом авлод қамоли йўлида амалга оширилган ҳар бир хайр-ли иш, мамлакатимиз буюк келажакнинг пойдевориға қўйилган бир ғишдир. Қоровулбозор туманидаги Нефтчилар шаҳарчасида қад ростирилган 140 ўринли болалар боғчасида ҳам истиқболимиз эгаларига кўрсатилган ғам-хўрлик тимсолидир. Замонавий боғчада кичкинтойларнинг яйраб ўйнашлари, мириқиб дам олишлари, тўйиб оқатланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Меҳрибон, ширинсўз, билим-дон тарбиячилар болажонлар соғлом, баркамол бўлиб етишишлари учун барча имкониятни ишга



солмоқдалар. **Суратларда: 1. Замонавий боғчанинг умумий кўриниши. 2. Тарбиячи Шарифахон Тургунова кичкинтойлар даврасида.**

Б.ҲАМРОКУЛОВ олган суратлар.

### Қадриятларимиз

#### Саъдий ШЕРОЗИЙ ҲИКОЯТ

Донишмандларнинг ёзишларига қараганда, чаён барча жониворлардан бошқача туғилар экан, онасининг ичак-човокларини еб, қоринни тешиб чиқаркану, саҳрога қараб қочаркан. Инидаги пўстлар она чаённинг қолдиқлари экан. Бир кун бири валий одамнинг ҳузурда шу хусусда гапирдим. У зот деди: «Менинг кўнглим шу гапларнинг ростлигига гувоҳлик беради, чунки бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, болалиқда оналарига шундай муомалада бўлганлари учун катта бўлганларида уларни ҳамма «яхши кўради».

#### Ўғлига отаси қилди васият: «Бахтиёр болам, куй қулонингга панд»

#### Ўз элига вафо қилмаган киши, На сеvimли бўлур ва на донишманд».

...

#### Қўрдимки, бир бадаврий (сахройи араб) ўғлига шундай дерди: «Эй ўғлим, қиймат куйи сендан: «Отанг ким?» деб эмас, «Қандай хунаринг бор?» деб сўрайдилар».

#### Казба ёпқичини ўпишар экан, Ипак курт туфайли бўлмади улуг.

#### Бир неча кун бўлди азиз этнида, Шунинг билан бўлди ўзи ҳам қутлуг.

### Жума ўғитлари

#### Хусайн ВОИЗ КОШИФИЙ СУХБАТ ОДОБИ

Одамизоднинг шарафи нутқи билан ва нутқ одобиға риоя қилмаган одам бу шарафдан бебахрадир. Сўз ҳамма вақт савоб учун ишлатилиши, тўғри ва ҳаққоний бўлиши керак. Агар шундай бўлмаса, жим турган маъкул. Шайхлар ва бошқа мартабаға эришганлар учун ҳам, ҳали мартабаға эришмаган кишилар, муридлар учун ҳам риоя қилиниши зарур бўлган бир қанча суҳбат одоби мавжуд. Агар мартабаға эришганлар суҳбатда қайси қоидаларга амал қилиши керак, деб сўрасалар, айтгил, қуйидаги қоида сақлашлари керак: биринчидан, ҳар кимнинг аҳволига қараб, муносиб сўз айтсин. Иккинчидан, дағалик қилмасдан, лутф ва мулойимлик билан гапирсин. Учинчидан, гапирганда табассум қилиб, очилиб гапирсин. Тўртинчидан, овозини баянда кўтармасин, эшитувчиларга малол келтирмайдиган қилиб гапирсин. Бешинчидан, одамларга нафи тегадиган маъноли гапларни гапирсин. Олтинчидан, агар сўзининг қиймати-қадри бўлмаса, уни тилга олмасин, чунки улугларнинг сўзи бамисоли уруғдир, агар уруғ пуч ёки чирган бўлса, уни қаерга экманг униб чикмайди.

Агар мартабаға етмаганларнинг суҳбат одоби неча, деб сўрасалар, бу ҳам саккизта деб айтгил. Биринчидан, сўрамагунларича гапирмасин. Иккинчидан, гапирганда овозини баянда кўтармасин. Учинчидан, гапирганда тил билан, деб айтгил. Агар сўзи қайси қулқ билан эшитасан, деб сўрасалар, қабул қулгои билан, деб айтгил.

Агар сўз сеникими ёки сен сўзникими, деб сўрасалар, айтгил: мен сўзникими, деб сўзникими, чунки сўз инсонлик дарахтининг мевасидир, дарахтни мевадан, мевани эса дарахдан ажратиб бўлмайди. Агар нуқсонли сўз қайсидир, деб сўрасалар, оллоҳ ва Расулнинг сўзига мувофиқ қалмайдиган сўз, деб жавоб бергил.

Агар яхши сўз қайси, деб сўрасалар, кишиларга нафи тегадиган сўз, деб айтгил. Ёмон сўз қайси, деб сўрасалар, бироваг зарари тегадиган сўз, деб жавоб бергил.

Форс-тожик тилидан Н. КОМИЛОВ таржимаси.

### Ўқувчиларга энг яхши совға

Бу йил Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги буюртмаси билан талайгина дарслик ва ўқув адабиётлари чоп этилмоқда. Улар орасида қўшни республикалар тилларида тайёрланган дарсликлар ҳам бор. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаб ўқувчилари математика, информатикага доир ўқув адабиётларга ҳам эга бўлдилар. 10-синфлар учун «информатика ва ҳисоблаш техникаси» дарслиги қозоқ тилида босилиб чиқди.

Ўқувчилар қозоқ, қирғиз ва тожик тилларида олиб бориладиган мактаблар эса «Математика» (3-синф) ҳамда «Геометрия» (7-синф) дарсликларини билан қуролландилар.

### Теннис

Ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова ўзининг муваффақиятли оидларини давом эттираётди. 18 ёшли ўзбек теннис юлдузи Хитойнинг Шанхай шаҳрида WTA туркумидаги мукофот жамғармаси 170 миң АҚШ доллари бўлган «Хайнекен опен» турнирида иккинчи ўринни эгаллади. Бу эса унинг жаҳон таснифдаги рейтингини 112 дан 75 поғонага кўтарди.

### ИРОДАНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

— Мазкур турнир биринчи бор ўтказилган бўлса-да, сайёрамизнинг қучли ракеткачи қизларини йиға олди, - дея таассуротларини «Туркистон-пресс» муҳбири билан ўртқоқчи Ирода Тўлаганова. - Корда деврий тенгсиз рақиблар билан учрашдим, десам муболага бўлмайди. Дунёнинг 30 чи ракеткаси, сўнгги Олимпиада ва Уимблдон турнири ярим финалчиси австриялик Елена Докин мусобақанинг биринчи рақами остида ҳаракат қилди. У билан чорак финалда рубаруб келиб, 6/4, 6/3 ҳисобида енгилма муваффақ бўлдим.

Осиёнинг иккинчи ракеткаси — Таиланд вақили Тамарин Тамасугаррани мағлуб этиб, финалга чиқдим. Финалда эса Елена Докиннинг кейинги ўринда эълитроқ этилган, теннис олимпиада 34 ўринда турувчи америкалик Нилан Шонессийга дуч келдим. Аввалги ўйинларда толиққичим сабабми 7/6, 7/5 ҳисобида ютказиб қўйдим. Шундай бўлса ҳам тушунликдан йироқман. Чунки Шанхай турниридаги ушбу натоқажон теннисининг қучли юзлугидан жой олишим билан ҳаётимда ўлмас из қолдирмоқда.

Ниятчан янги асрини муносиб қарши олиб, катта ютуқлар сари интилиш, муқдирларини чиройли ўйин билан ҳушуд этиштирд.

### ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗГА ТАН БЕРИШДИ

Япониянинг Токио шаҳрида таэквондо (ITF) бўйича ёшлар ўртасидаги ўтказилган биринчи Осиё чемпионатида вақилларимиз муваффақият қозонишди. Ўн уч мамлакат спортчилари иштирокидаги мазкур чемпионатда ўзбекистонлик 8 нафар таэквондочи 3 та олтин, 3 та кумуш, 3 та бронза медалларни қўлга киритишиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни банд этишди.

Ҳоланиб, улар қисқа вақтда эришилган бу ютуқларга қойил қолишди. Майдон эгалари бўлган японияликларнинг бу гал омади чопмади. Атиги ягона вақили кумуш медални олиши уларни умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринни эгаллашига кифоя қилди. Шундай қилиб, Бобобек Казиков, Леонид Ли, Дмитрий Нам голиблик шохсупасининг юқорисидан жой олиб, Ватанимиз байроғини мағрур хилдиратди. Дилшод Мирбобоев, Владимир Нам, Моисей Нагайлар кумуш медалларга, Илхом Тоиров, Михаил Честяков бронза медалларга сазовор бўлди. Кўргазмали чиқши баҳсида ҳам М.Нагай бронза медални қўлга киритиб қўша-лоқ медал соҳиби бўлди.

Ушбу поғонани банд этиш вақилларимизга осон бўлмади. Чунки терма жамоамиз аъзолари қатнашган ағурах мусобақанинг етакчи терма жамоаларидан иборат эди. Шу боис ёш спортчиларимиз иштирокидаги ҳар бир баҳс тенгсиз қарашлар остида кечди, - дейди Ўзбекистон Таэквондо Ассоциацияси вице-президенти Шофайзиев. Терма жамоамиз аъзолари саъй-ҳаракатлари ҳам мутахассислар томонидан муносиб ба-

### Жорий йилда ЮНЕСКО қарори билан қадимий Шарқнинг ноёб обидаларидан бири бўлиши Туркистон шаҳрининг 1500 йиллиги нишонланаётди.

Аждодларимиз изи муҳрланиб қолган бу муқаддас қадимларни зиёрат қилувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Уларнинг орасида ўзбекистонликлар кўпчиликини ташкил этади. — Туркистонни уч марта зиёрат қилиш Макка зиёрати билан тенгдир, деган ҳикмат бор, — деди «Туркистон-пресс» муҳбири билан суҳбатда қибрайлик нафақажур Мухсин ака Едгоров. — Уни бир бор зиёрат қилиш учун мен эндигина имкон топдим. Бобокалонимиз Амир Темур томонидан бундан 600 йил муқаддам тикланган Хўжа Аҳмад Ясавийнинг улугвор макбараси, бир тонна гуруч дамланадиган дошқозон ва бошқа тарихий обидалар катта та-

### МУҚАДДАС ЗИЁРАТГОҲ ЧОРЛАЙДИ

ассурот қолдирди. Ҳамюртларимизга боболаримиздан ёдгорлик бўлиб қолган бу мўътабар масканни албатта бориб кўришларини маслаҳат берадир. Бу ерни зиёрат қилган ҳар бир инсон ўзлигини англагандай, аждодларимизнинг қудратию салоҳиятини бундан вужуди билан ҳис қилгандай бўлади.

**ISHONCH**  
МУАССИС:  
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир  
Мирғиёс ҚАЮМОВ  
Таҳрир хайъати:  
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёкубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерлари тартибда сақланган. Объект усулда босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.002 нуска. Сотула эркин нархда.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди 22.15